

**4219194-СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахсар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Жиззах ш.** "01" 01. 2022 йил  
"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўриларда – Компания) номидан "06" январь 2022 йил №52-01-08/09 сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали Жиззах шаҳар телекоммуникация боғламаси бошичи **И.Пайзуллаев** (кейинги ўриларда – Оператор) бир томондан, **Жиззах вилояти Перинатал маркази** номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўриларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўриларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўриларда – Шартнома) тўздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўриларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олишни Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцепттини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз таловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан Mustasno) кўрсатилаганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизим шартлари таътиб этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизим шартлари таътиб этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдориди олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган сандан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Ияк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдориди олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилаган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда)

( ) сўми ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_

( ) сўм миқдоридидаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_

( ) миқдоридидаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортқича сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдими этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура бериладиган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичиди ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган мuddатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмағлиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайд.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун истагилган тўловларини олдин олишни истади, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоктировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоктировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайлида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирлан тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобда, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь** ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятлари бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномаи бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишини имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Жиззах туманидаги иқтисодий судга кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муроасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (егиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/тақлиф кўринишидаги мурожаати қўли билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (муурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. Яқуний қондлар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга кирилади ва **20 \_\_\_\_\_ йил 31 декабр**га қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таътиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва **20 \_\_\_\_\_ йил 31 декабр**га қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мажбу бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномаи ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь** кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мажбу бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

«Оператор»	«Абонент»
«Ўзбектелеком» АҚ Жиззах филиали Жиззах ШТБ	Жиззах вилояти Перинатал маркази
Манзил: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов 46 уй	Манзил: <i>Шахмат 339к ме.</i>
Тел: Факс (72)226-40-50	Тел: Факс: _____
X/p: 2021 0000 2040 7483 8426	X/p: <i>6000 208600840170733 600000</i>
Алоқабанк АТБ Жиззах филиали	Банк номи: <i>Сбербанк</i>
МФО: 00401 СТИР: 203 366 731	МФО: <i>0004</i> СТИР: <i>200366731</i>
ОКЭД: 61100	ОКЭД: _____
Корпоратив миқдорлар билан ишлаш бўлими телефон рақами: Тел: 72(224-00-04)	Контактные телефоны Тел: _____
Сайт маркази 1155 Почта: <a href="mailto:info@uztelecom.uz">info@uztelecom.uz</a>	Эл.Почта _____
Жиззах ШТБ М.А.Холбеков Юридиконсулт	Директор <i>И.Найзуллаев</i> <i>М.А.Холбеков</i>
И.Найзуллаев А.М.Холбеков	

**Кўрсатилдиган хизмат****1. Хизмат турлари ва уларнинг тарифлари**

Қиймат бириги Миллий валюта – Сўм

№	Хизматлар номи	Баҳоен (Нархи) ҚҚС билан	Асос	сони	Сўммаси, ҚҚС билан сўм
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир вақтдаги (бир марталик) тулов</b>					
1.1					
<b>II. Хар ойлик тулов</b>					
2.1	Сўзлашувлар тўлови вақтбай тизимига ўтказилган АТСда PRI хизматларига эга телефондан фойдаланиш учун абонент тўлови, бир ойда	6900	Нархнома	7	48300
2.2	Сўзлашувлар тўлови вақтбай тизимига ўтказилган АТСда PRI хизматларига эга телефондан фойдаланиш учун абонент тўлови, бир ойда	13800	Нархнома	1	13800
Жами (олдидан тулов)					<b>64 070</b>

Шартнома бўйича тўланадиган абонент тўлови : \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм,  
15% ҚҚС билан ва бир марталик тулови \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм, 00 тийин, 15% ҚҚС билан.

«Оператор»

«Ўзбектелеком» АК «Жиззах» филиали  
Жиззах ШТБ

«Абонент»

Жиззах вилояти Перинатал маркази

Жиззах ШТБ  
бошлиги

И.Пайзуллаев



Директор

Телеграм

2- илова  
Хизмат курсатиш ва ажратилган  
алоқани тестдан ўтказиш  
№ 4219194 сонли шартнома

«10» 01. 2022 й.

ДАЛОЛАТНОМА

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали, Жиззах ШТБ кейинчалик «Оператор» деб юритилувчи, Жиззах вилояти Перинатал маркази кейинчалик «Абонент» юритилувчи, оператор томонидан абонентга телекоммуникация хизматлари тақдим этилаётганлиги сабабли ажратилган алоқа тармоғини тестдан ўтказишни топшириш ва қабул қилиш. Телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича тузилган шартномага асосан хизматга уланишни амалга оширдилар.

№	Уланган хизмат тури номи	Сана	Бажарилгани хақида белги
1	Тақдим этилаётган хизмат тури <input type="checkbox"/> Интернет <input type="checkbox"/> VPN <input type="checkbox"/> IPTV <input type="checkbox"/> Телефон	Ишга тушуриш санаси: «__» _____ 2022г.	Бажарилди

«Оператор»

«Абонент»

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали  
Жиззах ШТБ

Жиззах вилояти Перинатал маркази



Жиззах ШТБ  
Бошлиғи *И.Пайзуллаев*

м.п.

Директор *Телеграм*